



## **O'zbekiston Respublikasi Sirdaryo viloyati hokimi**

### **Q A R O R**

“13” “февраль” 2016 у

55 -son

Guliston sh.

**Вилоят ҳокимининг 2015 йил 12 мартдаги 80-сонли,  
Сирдарё тумани ҳокимининг 2015 йил 24 февралдаги 536-сонли,  
2015 йил 7 мартдаги 631-сонли ҳамда Мирзаобод тумани ҳокимининг  
2015 йил 30 январдаги 130-сонли; 2015 йил 3 мартдаги 262-сонли  
қарорларини бекор қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 октябрдаги “Ўзбек миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш” лойиҳасига асосан 2014 йилги Инвестиция дастури лойиҳаси доирасида объектларга тайёргарлик кўриш ишларини бошлаш тўғрисида”ги 325-сонли баёни қарорининг 3-банди бешинчи хатбошисида М-34 “Тошкент-Душанбе” автомобиль йўлининг 64 км - 104 км қисмида Сирдарё ва Бахт шаҳарларини айланиб ўтиш йўлини куриш ишларини амалга ошириш белгиланган эди.

Ҳукуматнинг мазкур қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг 2015 йил 12 мартдаги “М-34 “Тошкент-Душанбе” автомобиль йўлининг 64 км - 104 км қисмида Сирдарё ва Бахт шаҳарларини айланиб ўтиш автомобиль йўлини лойиҳалаштириш ва куриш учун Сирдарё ва Мирзаобод туманлари ҳудудларидаги фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар ерларидан доимий фойдаланиш учун ер танлаш ва ажратиш тўғрисида”ги 80-сонли қарори қабул қилинган.

Ўз навбатида, М-34 “Тошкент-Душанбе” автомобиль йўлининг 64 км - 104 км қисмида Сирдарё ва Бахт шаҳарларини айланиб ўтиш йўлини куришга фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар ихтиёридаги кишлок хўжалик ерларидан ер ажратиш ҳақида Сирдарё тумани ҳокимининг 2015 йил 24 февралдаги 536-сонли ва 2015 йил 7 мартдаги 631-сонли, Мирзаобод тумани ҳокимининг 2015 йил 30 январдаги 130-сонли ва 2015 йил 3 мартдаги 262-сонли қарорлари қабул қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 октябрдаги “2015-2019 йилларда Гулистон шахрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатни яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастури ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги

8-сон баёни қарорининг 10-бандида М-39 автомобиль йўлининг 874 км ва А-373 автомобиль йўлининг 31 км қисмларини боғловчи янги йўналишда Сирдарё ва Бахт шаҳарларини айланиб ўтиш автомобиль йўли қурилиши объекти ўрнига мавжуд М-34 автомобиль йўлининг 64 км - 104 км қисмларини реконструкция қилиш тўғрисидаги таклиф маъқулланган ва 2016 йил манзилли рўйхатига киритилиб, ташкилий-тайёргарлик ишларини амалга оширишни бошлаш белгиланган.

Юқоридаги Ҳукумат қарорига мувофиқ, М-39 автомобиль йўлининг 874 км ва А-373 автомобиль йўлининг 31 км қисмларини боғловчи янги йўналишда йўл қурилиши ишлари тўхтатилиб, унинг ўрнига мавжуд М-34 автомобиль йўлининг 64 км - 104 км қисмларини реконструкция қилиш белгиланганлиги муносабати билан вилоят ҳокимининг 2015 йил 12 мартдаги 80-сонли, Сирдарё тумани ҳокимининг 2015 йил 24 февралдаги 536-сонли ва 2015 йил 7 мартдаги 631-сонли, Мирзаобод тумани ҳокимининг 2015 йил 30 январдаги 130-сонли ва 2015 йил 3 мартдаги 262-сонли қарорлари бекор қилиниши лозим бўлади.

Баён этилганларга кўра, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ **қарор қиламан:**

1. Сирдарё вилоят ҳокимининг 2015 йил 12 мартдаги “М-34 “Тошкент-Душанбе” автомобиль йўлининг 64 км - 104 км қисмида Сирдарё ва Бахт шаҳарларини айланиб ўтиш автомобиль йўлини лойиҳалаштириш ва қуриш учун Сирдарё ва Мирзаобод туманлари ҳудудларидаги фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар ерларидан доимий фойдаланиш учун ер танлаш ва ажратиш тўғрисида”ги 80-сонли қарори, фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчиларга ер ажратиш ҳақида Сирдарё тумани ҳокимининг 2015 йил 24 февралдаги 536-сонли ва 2015 йил 7 мартдаги 631-сонли, Мирзаобод тумани ҳокимининг 2015 йил 30 январдаги 130-сонли ва 2015 йил 3 мартдаги 262-сонли қарорлари бекор қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг 2015 йил 12 мартдаги 80-сонли қарори бекор қилингани муносабати билан Республика йўл жамғармаси томонидан кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш нобудгарчиликларини ўрнини қоплаш учун вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши белгиланган 3396388591 (уч миллиард уч юз тўқсон олти миллион уч юз саксон саккиз минг беш юз тўқсон бир) сўм тўлов ва бошқа тўловлар амалга оширилмаслиги белгилаб қўйилсин.

3. Қарор нусхаси манфаатдор бошқармалар ва ташкилотларга етказилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокими ўринбосари Ғ. Сулейманов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**

**О. Ашурматов**